



Birlashgan Millatlarning
ta'lim, fan va madaniyat
ishlari bo'yicha tashkiloti

ЮНЕСКО Ўзбекистонда

Эркаклар ва аёллар онгида тинчликни ҳимоя қилиш ғоясини мустаҳкамлаш



UNESCO

Устуворликлар ва фаолият

Сентябр 2020

ЮНЕСКО нима?

ЮНЕСКО – бу 1945 йил , 16 ноябрда ташкил этилган Бирлалашган Миллатларнинг таълим, фан ва маданият ишлари бўйича ташкилоти, БМТнинг ихтисослашлган муассаси. Ташкилотда 193 аъзо ва 11 ассоциациялашган аъзолар мавжуд бўлиб, ташкилотнинг ўзи учта органдан иборат.

Бош конференция

- Бош конференция ЮНЕСКОнинг барча аъзо-давлатлари вакилларидан ташкил топган. Конференция йиғилиши ҳар икки йилда бир марта бўлиб, ассоциациялашган аъзолар, ҳамда аъзо бўлмаган давлатлардан кузатувчилар, давлатларяро ва нодавлат ташкилотлар қатнашадилар.

- Ҳар бир мамлакат, аҳолиси, ялпи миллий маҳсулоти ёки ташкилотнинг доимий бюджетига қўшган ҳиссаси ҳажмидан қатъи назар, Бош Конференцияда битта овозга эга.

Ижроия кенгаши

- Ижроия кенгаши ЮНЕСКОнинг умумий бошқарувини таъминлайди. У Бош конференция ишини тайёрлайди ва конференция тавсияларининг тўғри бажарилишини таъминлайди. Ижроия кенгаши:
 - Дастурнинг Бош Директор томонидан самарали ва оқилона бажарилишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради;
 - Ўз фаолияти доирасига кирадиган масалалар билан шуғулланадиган халқаро ташкилотлар вакиллари ёки ваколатли шахслар билан маслаҳатлашиши учун барча зарур чораларни кўради;
 - Бош конференция томонидан унга берилган ваколатларни конференция номидан амалга оширади;
 - 58 аъзо давлатларнинг вакилларидан иборат ва йилига икки марта навбатдаги сессияларида йиғилишади.

Котибият

- Бош конференция томонидан тасдиқланган дастурни амалга оширади.
- Бош директор ва у томонидан таъйинланадиган ходимлардан иборат . Ходимлар директорлар, мутахассислар ва умумий хизматлар тоифаларига бўлинади.
- ЮНЕСКО дастурларини амалга ошириш ва мақсадларига эришиш йўлида, ташкилот таркибида 193та аъзо-давлатлардан, турли хил ва кўп маданиятли жамият қатламлари вакилларидан ташкил топган 2200тадан ортиқ ходимлар ишлади.
- 759 та мутахассиз ЮНЕСКОнинг бутун дунё бўйлаб 53 ваколатхоналарида ишлади . Ҳаммаси бўлиб ташкилотда 2101 киши ишлади.

**ЮНЕСКОнинг 2020-2021
йилларга тасдиқланган
бюджети**

1 329 115 300 AQSh dollarri

ЮНЕСКО Ўзбекистонда

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси Ташкилотнинг Ўзбекистондаги вакиллиги ҳисоболаниб, ўз малакаси ва ваколати доирасида мамлакатнинг тараққиёт соҳасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашда эксперт кўмакни кўрсатади. ЮНЕСКО ўзининг фаолиятини БМТ Агентликларининг Ўзбекистондаги Мамлакат Гуруҳи аъзоси сифатида мамлакатдаги тараққиёт жараёning кўп томонлама ва икки томонлама қатнашчилари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнататиши орқали амалга оширади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Агентликларининг Мамлакатдаги Гуруҳи таркибига Ўзбекистонда иш юритаётган БМТ вакиллари, унинг 14та ихтисослашган агентликлари ва дастурлари киради.

ЮНЕСКО тинчликни ўрнатиш, қашшоқликни камайтириш, барқарор ривожланиш ва маданиятлараро мулоқотни қўйидагилар орқали тарғиб қиласади:

- Таълим;
- Табиий ва ижтимоий фанлар;
- Маданият;
- Коммуникация ва ахборот;

* Ўзбекистон ЮНЕСКОга 1993 йилда аъзо бўлди. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси эса 1996 йилда очилди.

Стратегия

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги фаолияти қўйидаги ҳужжатларга асосланади :



**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА 2020-2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ**



**ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА 2017-2020 ЙИЛЛАРГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**



**ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЮНЕСКО ЎРТАСИДАГИ 2018-2021 ЙИЛЛАРГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ**



**“2030-ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ
СОҲАСИДА МИЛЛИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА
ОШИРИШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА” ҚАРОР**

ЮНЕСКО ва Барқарор ривожланиш мақсадлари

ЮНЕСКО мустаҳкам тинчлик, адолатли ва барқарор ривожланиш асосларини мустаҳкамлашда ўзига хос роль йўнайди. Таълим, табиий ва ижтимоий фанлар, маданият, коммуникация ва ахборот соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш – бутун дунёдаги жамиятлар ўсиб бораётган ўзгаришлар босимига, халқаро жамият эса янги қийинчиликларга дуч келаётган бир пайтда катта стратегик аҳамиятга эгадир.

ЮНЕСКОнинг малакаси ва ваколати Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга имкон туғдиради.

2015 йилда БМТнинг барча аъзо давлатлари томонидан қабул қилинган 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш кун тартиби – ҳозирда ва келажакда инсонлар ва сайёрамиз учун тинчлик ва фаровонликни таъминлашнинг умумий режасини ўзида акс эттиради.



ЮНЕСКО Ўзбекистонда

Бизнинг ҳамкорларимиз:

- Вазирлар Маҳкамаси ва манфаатдор вазирликлар
- Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси
- БМТ тизимидағи ҳукуматлараво ташкилотлар ва халқаро молия ташкилотлари каби бошқа ҳукуматлараво ташкилотлар
- ЮНЕСКОга аъзо давлатларнинг Ўзбекистонда аккредациядан ўтган элчихоналари
- Миллий ва халқаро нодавлат ташкилотлари ва муассасалар
- Шаҳар ва вилоят ҳокимликлари
- Миллий муассасалар, университетлар ва ташкилотлар
- Хусусий сектор
- Оммавий ахборот вакиллари
- Фуқаролик жамияти

Ишончли ҳамкорлик ва тажриба

ЮНЕСКОнинг Ўзбекитондаги
Ваколатхонаси миссияни бошқариш,
техник маслаҳатлар бериш, билим ва
амалий тажриба алмашиш,
салоҳиятни ошириш ва жамоатчилик
хабардорлигини оширишда 20
йилдан ортиқ тажрибага эга.

Ҳамкорлик ҳар доим қилаётган
ишимизнинг асосида бўлган. Ҳозирда
бўлса, биз, ҳар қачонгидан ҳам
кўпроқ халқаро ҳамжамиятнинг
барча аъзолари ўртасида
ҳамкорликни кучайтирмоқдамиз.





Birlashgan Millatlarning
ta'lim, fan va madaniyat
ishlari bo'yicha tashkiloti

ЮНЕСКО Ўзбекистонда

Таълим



gettyimages® | 25 YEARS
DAJ

Таълим ва Барқарор ривожланиш мақсадлари

Таълим сектори ўз фаолиятида Барқарор ривожланиш мақсадларига, хусусан 2030 йилгача «инклюзив ва тенг сифатли таълимни таъминлашга ва барча учун умр давомида таълим олиш имкониятларини қўллаб-қувватлашга қаратилган 4 БРМ (Сифатли таълим) га таянади.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонасининг таълим сектори Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш режаси ва Миллий ҳаракат стратегиясини амалга оширишни қўллаб-қувватлайди. Шунингдек у қўйидаги мақсадларга эришишга ўз ҳиссасини қўшади: 5 БРМ (Гендер тенглик) ва 8 БМР (Муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсиш).



4 КАЧЕСТВЕННОЕ
ОБРАЗОВАНИЕ



5 ГЕНДЕРНОЕ
РАВЕНСТВО



8 ДОСТОЙНАЯ РАБОТА
И ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
РОСТ



© ЮНЕСКО Ўзбекистон

Таълим. Устувор йўналишлар

ЮНЕСКО Таълим сектори дастурининг асосий мақсади барчага сифатли таълим беришdir. Ушбу мақсадга иккита асосий стратегия орқали эришилади: биринчидан, ЮНЕСКОнинг таълим соҳасидаги 4 БРМ доирасидаги глобал етакчи ва мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш, иккинчидан Ўзбекистонда бутун умр давомида Барча учун таълим сифатини таъминлаш мақсадида сиёсат, имконият ва воситаларни ишлаб чиқишида ёрдам бериш.



Таълим. Устувор йўналишлар

Тематик йўналишлар:

- Барча учун бутун умр давомида юқори сифатли ва инклюзив таълимни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш.
- Гендер масалаларига сезгир сиёsatни ишлаб чиқиш орқали қизлар ва аёлларнинг сифатли таълим олиш ҳуқуқини кенгайтириш.
- Ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) педагогикага интеграциялашувини ривожлантириш.
- Техник ва касб-ҳунар таълими тизимлари бўйича янги қарашларни ишлаб чиқишида ҳукуматни қўллаб-қувватлаш.
- Ўқитувчилар малакаси тузилмаларини жорий қилиш орқали ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини рағбатлантириш.
- Ўзбекистонда Миллий малака тизимини ривождантиришга кўмаклашиш.

Таълим. Ҳамкорлар

Таълим сектори Ўзбекистондаги қўйидаги тузилмалар билан яқин ҳамкорлик қиласди :

- БМТ, ЮНИСЕФ ва Ўзбекистондаги тараққиёт бўйича бошқа фаол ҳамкорлар
- Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
- Халқ таълим вазирлиги
- Мактабгача таълим вазирлиги
- Инновация вазирлиги
- Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
- Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
- Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси
- Давлат тест маркази
- Республика таълим маркази
- Педагогик ўқув юртлари
- Университетлар ва илмий-тадқиқот институтлари
- Миллий ва халқаро нодавлат ташкилотлари



Birlashgan Millatlarning
ta'lif, fan va madaniyat
ishlari bo'yicha tashkiloti

ЮНЕСКО Ўзбекистонда


Табиий ва ижтимоий фанлар



Табиий фанлар ва Барқарор ривожланиш мақсадлари

ЮНЕСКОнинг табиий фанлар сектори чүчүк сув, денгиз, атроф-муҳит, фундаментал фанлар, ҳамда ершунослик бўйича йирик халқаро дастурларни амалга оширади. У шу билан бирга миллий ва минтақавий илмий-техник сиёсатни, ҳамда илм-фан, муҳандислик ва қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида салоҳиятни оширишни қўллаб қувватлади.

Янги тарихдаги энг йирик глобал экологик оғатлардан бири Орол денгизидир. Маҳаллий, минтақавий ва глобал муаммоларга жавобан сув ресурслари ҳавфсизлигини яхшилаш 6 БРМ (Тоза сув ва санитария), ҳамда 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш кун тартибининг бочқа мақсадлари билан тўла-тўқис мувофиқлаштирилган.



©ООН Ўзбекистон



Табиий фанлар. Устувор йўналишлар

Тематик йўналишлар:


- Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш.
- Ўзбекистонда сув ресурсларини барқарор бошқариш салоҳиятини ошириш.
- Илмий ҳамкорлик ва тадқиқотларни ўз ичига олган турли тадбирлар орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш.
- Биологик хилма-хиллик ва қайта тикланадиган энергия манбалари.
- Мамлакат учун долзарб бўлган соҳалар бўйича тадқиқотлар, шу жумладан ерларнинг деградацияси ва иқлим ўзгариши.



Ижтимоий фанлар

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги
Ваколатхонаси ижтимоий ва
гуманитар фанлар дастури
қўйидагиларга йўналтирилган:

- Илмий ҳамкорлик ва тадқиқотларни ўз ичига олган турли тадбирлар орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш;
- Ёш мутахассисларнинг, шу жумладан аспирантлар ва сув ресурслари соҳасидаги тадқиқотчилар иш фаолиятининг дастлабки босқичларида малакасини ошириш, шунингдек уларнинг халқаро илмий нашрларда тақдим этилиши.



© ЮНЕСКО Ўзбекистон

Табиий фанлар. Ҳамкорлар

Табиий фанлар сектори қўйидаги тузилмалар билан яқин ҳамкорлик қиласди:


- БМТнинг Ўзбекистондаги тараққиёт дастури (БМТД)
- Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги Делегацияси
- Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси
- Ўзбекистон инновацион ривожланиш вазирлиги
- Ўзбекистон туризмни ривожлантириш қўмитаси
- Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси
Ўзбекистон Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш далат қўмитаси
- Ўзбекистон Фанлар Академияси



Birlashgan Millatlarning
ta'lim, fan va madaniyat
ishlari bo'yicha tashkiloti

ЮНЕСКО Ўзбекистонда

Маданият



© ЮНЕСКО Ўзбекистон

Маданият ва Барқарор ривожланиш мақсадлари

ЮНЕСКО маданият соҳасида алоҳида ваколатга эга бўлган ягона БМТ ташкилотидир. ЮНЕСКО маданиятнинг кучли компонентисиз барқарор ривожланиши қуриб бўлмаслигига амин.

Фақатгина маданиятлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва очиқ мулоқотга асосланган барқарор ривожланишга кўп дисциплинар ёндашувгина мустаҳкам, инклюзив ва адолатли натижаларга олиб келиши мүмkin.

Маданият бир вақтнинг ўзида барқарор ривожланиш иқтисодий, ижтимоий ва экологик ўлчовларинг ҳам воситаси, ҳам ҳаракатлантирувчи кучидир.

Маданият сектори қўйидаги мақсадлар сари ҳаракат қиласи: 4 БРМ (Сифатли таълим), 8 БРМ (Муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсиш) ва "дунёning маданий ва табиий меросини мухофаза қилиш ва сақлаб қолиш саъи-ҳаракатларини кучайтириш"га қаратилган 11.4 мақсад.



©ЮНЕСКО Ўзбекистон

Маданият. Устувор йўналишлар

Тематик йўналишлар:

- ❖ **Жаҳон мероси:** Бутунжаҳон мероси объектларини сақлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар бўйича ҳисобот бериш, консервация, реставрация ва сақлаш бўйича билим ва кўникмаларни авлодларга етказиш.
- ❖ **Кўчма ва кўчмас маданий меросни муҳофаза қилиш**
- ❖ **Номоддий мерос:** ЮНЕСКОнинг 2003 йилги номоддий маданий меросни (НММ) муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенциясини миллий миқёсда татбиқ этиш, НММни таълим соҳасига интеграция қилиш, НММни муҳофаза қилиш бўйича режаларни ишлаб чиқиш учун салоҳиятни ошириш, НММ рўйхатларини тузиш.
- ❖ **Маданий ифодаларнинг турли хил шакллари / ижодий соҳалар:** ижодкорликни рағбатлантириш ва маданий ифодаларнинг хилма-хиллигини ҳимоя қилиш, шу жумладан маданий ва ижодий соҳаларни мустаҳкамлаш. Ўзбекистон 2019 йил ноябрда Маданий ифодаларнинг хилма-хиллигини сақлаш ва рағбатлантириш 2005 йилги конвенциянинг иштирокчи-давлатига айланди.



Маданият. Устувор йўналишлар

Тематик йўналишлар:

- ❖ Кўчар ва ҳужжатли мерос ва музейлар: кўчар ва ҳужжатли меросни, ҳамда музей коллекцияларини ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш, шунингдек музейни бошқариш ва профилактик чора-тадбирларни ташкиллаштириш учун салоҳиятни ошириш.
- ❖ Ноқонуний савдо: ноёб маданий мулкнинг ноқонуний савдосини олдини олишга қаратилган чораларни кўриш, жумладан, кўчар маданий меросни ҳимоя қилиш зарурлиги ҳақида жамоатчилик хабардорлигини ошириш.
- ❖ Барқарор туризм: маданий ва табиий меросга асосланган барқарор туризмни ривожлантириш, шу жумладан, бу соҳада миллий салоҳиятни ошириш.



©ЮНЕСКО Ўзбекистон



©ЮНЕСКО Ўзбекистон

Маданият. Ҳамкорлар

Маданият сектори қўйидаги тузилмалар билан яқин ҳамкорлик қиласди :

- Маданият вазирлиги
- Туризмни ривожлантириш давлат қўумитаси
- Корея Республикаси, Франции ва Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихоналари
- Ислом Каримов фонди
- Санъат ва маданиятни ривожлантириш фонди
- «Ҳунарманд» Уюшмаси
- Маҳаллий ҳокимият

Донорлар:

- Европа Иттифоқи
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гуманитар Ҳавфсизлик Бўйича Мақсадли Фонди
- Корея Республикаси ҳукумати
- Саудия Арабистон Қироллигининг ҳукумати



Birlashgan Millatlarning
ta'lim, fan va madaniyat
ishlari bo'yicha tashkiloti

ЮНЕСКО Ўзбекистонда


Коммуникация ва ахборот



Коммуникация ва ахборот. Барқарор ривожланиш мақсадлари

Коммуникация ва ахборот сектори фаолияти ЮНЕСКОнинг "сўз ва тасвирлар орқали фикр ва ғояларни еркин тарқатишга кўмаклашиш" ваколатига мувофиқ сўз еркинлиги, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ҳамда ахборотдан эркин фойдаланиш ва билимларга олишни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Бизнинг дастурларимиз, рақамли давр пайтида ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгартиришларга алоҳида эътибор берган ҳолда, 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш кун тартибида белгиланган барқарор ривожланиш мақсадларига еришишда ўзининг бевосита ҳиссасини қўшади. БРМ 4 (Сифатли таълим), БРМ 5 (Гендер тенглик), БРМ 16 (тинчлик, адолат ва самарали институтлар), ва БРМ 17 (барқарор ривожланиш учун ҳамкорлик) мақсадлари шулар жумласидандир.



©ЮНЕСКО Ўзбекистон

Коммуникация и ахборот. Устувор йўналишлар

Тематик йўналишлар:

- **Ўзбекистонда еркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини рағбатлантирадиган мұхит яратишни қўллаб-қувватлаш**
- **Воқеа-ходисаларнинг юқори сифатли ёритилишини, профессионал стандартлар ва ўз-ўзини бошқаришнинг механизмларини тарғиб қилиш.** Мисол тариқасида – 2019 йилда Узбекистон журналистлари ижодий уюшмаси томонидан қабул қилинган Узбекистон журналистлари учун Профессионал этика кодекси.
- **Сўз эркинлиги ва журналистлар хавфсизлигини тарғиб қилиш..**
- **Медия ва ахборот саводхонлиги бўйича ўқув дастурлари.**
- **ОАВ фаолиятида ва янгиликларда гендер тенглигини тарғиб қилиш.**
- **Нотўғри ва ёлғон хабарлар, нотўғри ва зарарли маълумотлар тарқалишига қарши кураш.**
- **Онлайн нафрат нутқга қарши кураш, ҳамда Internet ижобий салоҳият жой бўлиб қолишини таъминлаш.**



©ЮНЕСКО Ўзбекистон

Коммуникация ва ахборот. Ҳамкорлар

Коммуникация ва ахборот сектори қўйидаги тузилмалар билан яқин ҳамкорлик қиласди:

- Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси (ЎзМТРК)
- Электрон оммавий ахборот воситаларининг миллий ассоциацияси (ЭОАВМА) ва UzReport, Sevimli TV, MY5 ҳусусий телеканаллари
- Буюк Британия ҳукумати
- Низоларни олдини олиш, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича Британия жамғармаси
- Коммуникация ривожланишининг халқаро дастури (КРХД) ва ЮНЕСКО штабквартирасида коммуникация ва ахборот сектори томонидан ишлаб чиқилган дастурлар
- Ўзбекистон журналистларини қайта тайёрлаш маркази, Замонавий журналистикани ривожлантириш маркази, Ёшлар иттифоқи каби нодавлат ташкилотлар
- Блогерлар, фуқаролик фаоллари

Нега ЮНЕСКО?

Тинчлик ўзаро мuloқot va ҳамжиҳатлиkkа асосланган бўлиши керак.
Тинчлик инсониятнинг интеллектуал ва маънавий бирдамлиги асосида яратилиши керак.

Шу руҳдаги ЮНЕСКО билан ҳамкорлик қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Баркарор ривожланишга кўмаклашиш;
- Ҳар кандай шаклдаги маданий хилма-хиллик ва маданий меросни ҳимоя қилишни қўллаб-қувватлаш;
- поддержку свободного распространения идей, информации и свободы выражения мнений. Фоялар ва ахборотни тарқатиш эркинлиги, ҳамда сўз эркинлигини қўллаб-қувватлаш.

ЮНЕСКО Ўзбекистонга техник ёрдам кўrsatiшга, ҳамда ўз тажрибасига таянган ҳолда мамлакат ҳукуматига эксперт кўмагини кўrsatiшга тўла тайёр.



Birlashgan Millatlarning
ta'lim, fan va madaniyat
ishlari bo'yicha tashkiloti

«Мадомики уруш ҳақидаги фикрлар инсонларнинг
онгида пайдо бўлар экан, тинчликни ҳимоя қилиш
фояси ҳам инсонларнинг онгида қарор топиши
керак».

ЮНЕСКО Низоми

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги фаолиятини
тарғиб қилиш ва амалга оширишда
иштирок этинг!

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси
Ташкент шаҳар,
100084
Эргашев кўчаси, 9 уй

Почта: [tashkent\(at\)unesco.org](mailto:tashkent(at)unesco.org)

Тел: + 998 78 120 71 16, 120 71 54/55

Факс: + 998 78 120 71 59



<https://ru.unesco.org/fieldoffice/tashkent>



@UNESCO.Tashkent

Презентацияда тақдим этилган барча фотосуратлар ЮНЕСКО, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси, БМТ нинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси архивларидан ва бепул фотосуратлар базаларидан олинган.



UNESCO

Устуворликлар ва фаолият

Сентябр 2020